



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2010 йил 26 октябрь, № 207 (5122)

Сешанба

ЮКСАК МЕҲНАТ ШАРАФИ

Менгқобил ака иккинчи фарзандининг исмини Усупбой бўлсин деди. Тугилгани ҳақида гувоҳнома берувчилар деҳқонча талаффуз билан айтилган бу сўзни Юсуп деб ёздилар. Бир кўлида чақалоғио иккинчи кўлида беланчақ анжомлари, колхознинг ишига қатнайдиған Гулҳол опа уни Юсупжоним деб эркалади. Табиатан юшоқ, вақт топдими, томорқасининг ишига куймаланган, катта-кичик — ҳамма билан тез киришиб кетаверадиган, қўшилларининг ҳайдов-ҳашар ишларидан қочмаган йигитчани қишлоқ аҳли Юсупбек деб эъозлади.

Замондош билан юзма-юз

Болалигидан у меҳнат қилишни яхши кўрди. Тўй-томоша юришларига, гурунг-гаштакларга қизиқмади. Менгқобил ака аравакаш эди. "Отанинг касбини эгаллайман, арава ҳайдайман", деди. Ҳаёт янгиликларини кўриб, унинг орзу-интилишлари ҳам янгилашиб борди. Тракторчи, бульдозерчи, экскаваторчи бўлишни ҳавас қилди. Бироқ икки йиллик ҳарбий хизматдан сўнг янада каттароқ ният билан қайтди: у, албатта, темир йўли, машинист бўлади.


Устози — ҳамқишлоғи Абдирама-т Эшнӣёзов уни Хайрабод кўрғонига 166-йўл машина станциясига бошлаб келди. Кўлида керка, мурват бўрағи асбоб — йўл таъмирловчи бўлди.

(Давоми 2-бетда).



СУРАТДА: Ўзбекистон Қаҳрамони Юсуп Зӣёев (ўртада) ҳамкасблари билан сўбатда.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.



ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Қонунчилик палатасининг Спикери Д. Тошмуҳамедова олиб борди.

Кун тартибига киритилган сиёсий ва иқтисодий-иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш самарадорлигини ошириш соҳасидаги амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

«Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасининг аъзоси Қ. Эргашев тақдим этди. Қонун лойиҳаси фуқароларнинг кафолатланган ижтимоий манфаатларини таъминлашга қаратилган. Унда иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик ҳақидаги нормалар киритиш назарда тутилди. Қонун лойиҳасининг муҳокама вақтида сиёсий партиялар барча фракцияларининг вакиллари сўзга чиқдилар. Савол-жавоблардан кейин бўлиб ўтган батафсил муҳокама вақтида Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси вакиллари агар мазкур қонун лойиҳаси қабул қилинса, у амалдаги қонун ҳужжатлари тизимида муҳим ўрин эгаллашни таъкидладилар. Айни вақтда иш берувчилар ўртасида тушунтириш ишларини кучайтириш зарурлиги тўғрисида ҳам фикр-мулоҳазалар баён қилинди. Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши қонун ҳужжатларида жа-вобгарлики мажбурий суғурта қилиш бўйича белгиланган иш берувчилар томонидан қай даражада бажарилганлиги устидан назорат қилишни таъминлаш учун норматив-ҳуқуқий база яратишни алоҳида таъкидладилар.

Муҳокама вақтида кири-тилган таклифларни ҳисобга олган ҳолда Қонунчилик палатаси Қонунни қабул қилди. Қонун парламентнинг юқори палатасига юборилди.

Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси аъзоси А. Жумаевнинг маърузаси бўйича Қонунчилик палатаси «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқди. Мазкур ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 15 майдаги «Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига ва 2010 йил 28 июлдаги «Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча

(Давоми 2-бетда).

ЭЛ-ЮРТ ОСОЙИШТАЛИГИ ПОСБОНЛАРИ БАЙРАМИ

лантирилди. Хусусан, ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ва жиноятчиликка қарши курашининг замонавий усул ва воситаларидан фойдаланган ҳолда, жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг самарали тизими яратилди, уюшган ва юксак малака-кали, профессионал кадрларни тайёрлаш ва ишга жалб этишнинг ўзига хос тизими жорий этилганлиги муҳим омил бўлаётди.

Тадбир

Бу борадаги ишлар самарадорлиги ошаётгани, муҳими, ички ишлар идоралари ходимларининг элу юртимизнинг осойишталигини таъминлашда ишончли посбонга айланаётгани давлатимиз раҳбарининг соҳага бўлган алоҳида эътибори туйғулди. Президентимиз

нинг шу йил 22 октябрда имзоланган «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар идоралари ходимлари куну муносабати билан бир гуруҳ ходимларни мукофотлаш тўғрисида»ги Фармони бунинг яна бир тасдиғидир.

Фармонга мувофиқ, мамлакатимизда тинчлик, барқарорлик ва жамоат тартибини таъминлашдаги кўп йиллик шавкатли меҳнати ҳамда хизмат бурчини адо этишда кўрсатган мардлик ва фидойилиги, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишдаги жасорати учун ички ишлар идораларининг бир гуруҳ ходимлари Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланди.

(Давоми 2-бетда).

Пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар идоралари ходимлари куну муносабати билан тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Б. Матлубов Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида барқарорликни, фуқаролар тинчлигини ва осойишталигини мустақамлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустақамлашнинг муҳим бугини бўлган, ички ишлар идоралари тизимида изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар ўз самараларини бермоқда.

Ички ишлар идораларининг барча тузилмалари сифат жиҳатдан бутунлай янги асосда шакл-

ИЛГОР ҒОЯЛАР — ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА

Кеча Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмасида Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти ҳамда Исроилнинг «MASHAV» халқаро ҳамкорлик маркази билан биргаликда «Иновация технологияларини қишлоқ хўжалигига жорий этиш» мавзусида республика семинар-тренинги ўз ишини бошлади.

Унда соҳа мутахассислари ва турли вилоятлардан ташриф буюрган ўнлаб фермер хўжаликлари раҳбарлари иштирок этмоқдалар.

Тадбирда таъкидланганидек, мамлакатимизда фермерлик ҳаракатини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ислохотлар

Анжуман

ушбу тизимда улкан ўзгаришларни юзага чиқармоқда. Яъни фермерларнинг ерга эғалик туйғуси ва меҳнатдан манфаатдорлиги ортиси натижасида улар том маънода тармоқда етакчи кучга айланди.

(Давоми 2-бетда).

Хушxabарлар

Аргентинада футбол бўйича ноғирон-ампутантлар ўртасида ўтказилган VIII жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси муваффақиятли иштирок этиб, иккинчи бор жаҳон чемпиони, деган шарафли номга сазовор бўлди.

МАҲОРАТ, МАТОНАТ ҒАЛАБАСИ

Айтиш жоизки, миллионлар ўйини — футбол ҳақида гап кетганда, «Майдон текис, тўп юмалоқ», деган иборани ишлатамиз. Лекин шу текис майдонда рақибига чап бериб, маҳорат кўрсатишнинг ўзи бўлмайди. Баъзан футболчилар жароҳат олиб, майдондан чиқиб кетган холларга гувоҳ бўлганмиз. Бу оддий футболдаги манзара. Лекин тасаввур қилинг: майдонда ўзини фидо қилиб, юрти, миллати ор-номуси учун курашган йигитлар... ноғиронлар бўлишса. Кўп бор таъкидланганидек, бу шунчаки ўйин эмас, унинг номи жасорат, албатта.

Иккунияти чекланган футболчиларимиз саккизинчи жаҳон чемпионатида ҳам совриндор бўлишни дилларига тугиб қўйишганди. Зеро, улар бу мусобақада амалдаги чемпион ҳисобланшарди. Матонатли йигитларимиз бу сафар ҳам энг кучли жамоаларни мағлуб этишга муваффақ бўлдилар. Дунёга кўплаб футбол қиролларини етиштириб берган Бразилия терма жамоасини 4:2, Англия футболчиларини 6:1, Туркия термасини эса 2:1 ҳисобида енгишди. Россия ва Эрон терма жамоаларига қарши кечган учрашувларда дурагн натижа қайд этилди. Финалда мезбонлар — Аргентина терма жамоаси 3:1 ҳисобида доғда қолдирилди.

Кипрнинг Никосия шаҳрида шотокан каратэ-до бўйича ўтказилган жаҳон кубогига муваффақиятли иштирок этган Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари «Тошкент» халқаро аэропортида катта тантана билан кутиб олинди.

Ҳамюртларимиз муваффақияти

Беш кун давом этган нуфузли мусобақада дунёнинг ўттиздан ортиқ мамлакатли спортчилари медаллар учун кураш олиб борди. Аҳамиятлиси, ҳамюртларимиз яқунда 14 та олтин, 9 та кумуш ва 6 та бронза медали билан умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни кўлга кўрибдилар. Иккинчи ўрин Ирландия, учинчи ўрин эса Швеция қаратчиларига насиб этди.

(Давоми 4-бетда).

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

ИЗЧИЛ ИСЛОХОТЛАР САМАРАСИ

2010 йилнинг тўққиз ойи мобайнида мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши

8,3 фоизни ташкил этди.

Жойларда таркибий қайта ўзгаришлар, иқтисодийнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш бўйича белгиланган мақсадли комплекс дастурлар ҳамда Инқирозга қарши чоралар дастурининг изчил амалга оширилганлиги ана шундай юқори ўсиш суръатини таъминлади.



(Давоми 2-бетда).

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Қонунга янги 6-модда киритилган бўлиб, унда радиациявий хавфли ишлаб чиқариш объектида ишлаб бажарилганда ходимларнинг ҳаёти ва (ёки) соғлиғига, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкига шаклландирган зарар учун иш беворачилиги жавобгарлиги назарда тутилади.

Қонун лойиҳасининг муҳокамаси вақтида Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи вакиллари таъкидлашдики, киритилган ўзгаришлар, киритилган ўзгаришлар ва қўшимчалар «Радиациявий хавфли объектларда» қонун бўлиб қарилганини аниқлашга, жойларда масъулиятни кўчатиришга ҳамда аҳоли саломатлигини ва атроф-муҳитни ҳимоя қилишга кўмаклашди.

Билдирилган фикр-мулоҳазаларни эшитиб ва муҳокама қилиб, Қонунчилик палатаси мазкур қонун лойиҳасининг концепциясини маъқулади ва уни биринчи ўқишда қабул қилиб, масъул қўмитага ҳужжатни иккинчи ўқишда қўриб чиқиш учун тайёрлаш вазифасини топширди.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари Т. Турсунов «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 177-моддасига қўшимча киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида ахборот берди. Мазкур қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурининг қонунчилик ташаббуси бўйича Қонунчилик палатасининг муҳокама-сига киритилган. Унга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 177-моддасига агар шахс тайёрланганда эки содир этилаётган жиноят ҳақида ўз ихтиёри билан арз қилган ёки жиноятни очибди фаол ёрдам берган бўлса, у жавобгарликдан озод қилиниши назарда тутилган.

Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасининг асосий қондиларини маъқулади ва уни биринчи ўқишда қабул қилди. Масъул қўмитага ҳужжатни навбатдаги ўқиш учун тайёрлаш вазифаси топширилди.

Депутатлар Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси У. Хайтов таъкид этган «Спортда допингга қарши кураш тўғрисида»ги халқаро конвенцияни (Париж, 2005 йил 19 октябрь) ратификация қилиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини ҳам муҳокама қилдилар.

Спортда допингга қарши кураш тўғрисидаги халқаро конвенция, ушбу қўшимча латент жиноятларни ўз вақтида аниқлаш ва бундай жиноятлар оқибатларининг олдини олиш мақсадига фуқароларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик қилишини рағбатлантиришга, шунингдек, уларни жавобгарликдан озод қилишни таъминлашга йўналтирилган.

Муҳокама катнашчиларининг барча фикр-мулоҳазаларини ҳисобга олган ҳолда депутатлар қонун лойиҳасининг концепциясини маъқуладилар ва уни биринчи ўқишда қабул қилиб, масъул қўмита зиммасига ҳужжатни иккинчи ўқишда қўриб чиқиш учун тайёрлаш вазифасини юклядилар.

Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси аъзоси Ф. Оминова «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига

ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини Қонунчилик палатасининг муҳокама-сига биринчи ўқишда тақдим этди.

Солиқ қарздорлигини мажбурий ундириш жараёнини ўрганиш бюджет-дефекти ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар олдида қарз бўлган қарздор-банкротнинг мол-мулкни олишда мулкга ўтказишнинг ҳуқуқий механизми, шунингдек, бундай мол-мулкни реализация қилиш ва бундан тушган маблағларни солиқ қарзларини узишга йўналтириш тартиби қонун ҳужжатларида регламентланмаганлигини кўрсатди.

«Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси солиқ қарздорлигини тўла ундиришни таъминлаш мақсадига тайёрланган. Мазкур қонун юқорида кўрсатилган муаммоларни ҳал этишга қаратилган.

Қонун лойиҳасида «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг бир қатор моддаларига тегишли ўзгаришлар киритиш, шунингдек, Қонунни давлат бюджети ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар олдида қарз бўлган қарздор-банкротнинг мол-мулкни олишда мулкга ўтказиш ва уни давлат мулкни бошқариш бўйича ваколатли орган томонидан реализация қилиш механизми назарда тутилган. 1421-модда билан тўлдириш тақлиф этилади.

Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасининг асосий қондиларини маъқулади ва уни биринчи ўқишда қабул қилди. Масъул қўмитага ҳужжатни навбатдаги ўқиш учун тайёрлаш вазифаси топширилди.

Депутатлар Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси У. Хайтов таъкид этган «Спортда допингга қарши кураш тўғрисида»ги халқаро конвенцияни (Париж, 2005 йил 19 октябрь) ратификация қилиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини ҳам муҳокама қилдилар.

Спортда допингга қарши кураш тўғрисидаги халқаро конвенция, ушбу қўшимча латент жиноятларни ўз вақтида аниқлаш ва бундай жиноятлар оқибатларининг олдини олиш мақсадига фуқароларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик қилишини рағбатлантиришга, шунингдек, уларни жавобгарликдан озод қилишни таъминлашга йўналтирилган.

Муҳокама катнашчиларининг барча фикр-мулоҳазаларини ҳисобга олган ҳолда депутатлар қонун лойиҳасининг концепциясини маъқуладилар ва уни биринчи ўқишда қабул қилиб, масъул қўмита зиммасига ҳужжатни иккинчи ўқишда қўриб чиқиш учун тайёрлаш вазифасини юклядилар.

Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси аъзоси Ф. Оминова «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексини жабрланувчининг шикоятни бўлмаганлиги тўғрисида қонунчиликнинг ҳақиқатини назарда тутилган 66-модда билан тўлдириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 325-моддасига ўзгариш ва 333-моддасига қўшимча киритиш тақлиф қилинади.

Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши жиноят ва жиноят-процессуал қонун ҳужжатларини янада эркинлаштиришга хизмат қилади, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва судларнинг ресурсларини тежаш ҳамда иш ҳажмини камайтиришга имкон бериб, бу ҳол мураккаб жиноятларни тергов қилиш ва очибди ҳамда умуман, жиноят ишлари бўйича иш юритиш сифатини яхшилашга ва ижобий таъсир кўрсатади. Хусусий-ошқоравий айблов бўйича иш юритишнинг такомиллаштирилиши ҳам шахслар ўртасидаги муносабатларни ҳал қилувчи муҳим фуқаролик институти бўлган маҳалла яраштирув комиссияларининг роли ва мавқеи ошишига хизмат қилади.

Билдирилган барча фикр-мулоҳазаларни эшитиб ва муҳокама қилиб, Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасининг концепциясини маъқулади ва уни биринчи ўқишда қабул қилиб, масъул қўмитага ҳужжатни иккинчи ўқишда қўриб чиқиш учун маромига етказиш вазифасини топширди.

«Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасига ўзгаришлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси аъзоси У. Зокиров таъкид этди.

Ушбу қонун лойиҳаси мамлакат автотранспорт тизими фаолияти самардорлигини ошириш ва тизимни ривожлантириш, мавжуд автотранспорт фондидан оқилона фойдаланиш, но-ишлаб чиқариш чўқимлари-ни камайтириш, шунингдек, бозор иқтисодиёти шароит-ларида рақобатбардошликни ошириш мақсадига ишлаб чиқилган.

Қонун лойиҳаси ҳарбий турдаги автомобиль колонналарини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш имкониятини назарда тутади.

Барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари томонидан баён қилинган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасини биринчи ўқишда қабул қилиб, масъул қўмита зиммасига ҳужжатни иккинчи ўқишда қўриб чиқиш учун маромига етказиш вазифасини юкляди.

Мақлисада Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ваколатига қирадиган бошқа масалалар ҳам қўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг матбуот хизмати.

ЮКСАК МЕҲНАТ ШАРАФИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Йигирма икки ёшида яна шу Абдирамак ақанинг даъвати билан малака оширишга кетди. Олти ой ўқиди. Хотираси тинч экан, темир йўл машиналарига оид русча китобларни қизиқиб ўрганди. Машинанинг бошқарув дастлавларидан унинг ичкарасига шўнғиб, ўтхона-сидан чиқиб кетгулик даражада ўқув-малака орттирди. Ва уша жойлардан республикамизда камёб ҳисобланган ЭЛБР-1 (Электробалластер) механизмининг машинисти бўлиб кишлоқига қайтди.

Ўзбекистон Мустақиллиги эълон қилинган кунинида, Юсуфжон кутилмаганда ишчи каскаси-қалпоғини бошидан олиб осмонга отиб хурсанд бўлганини, «Ана, қурашлар, мамлакатимизда энди йилга юз километрлаб темир йўллар қурилади. Энди биз ишлайдиган замон келди. Йўл таъмирлашдан бўшамай ётудик. Энди зангилаган йўллар курамини, деганини ҳамкасблари худди кенгайди эслайдилар. Билиб гапирган экан Юсуфжон. Кўп ўтмай бепоён дашту далалар узра «Учқудуқ — Султон Увайтоғ» темир йўли қурилиши бошланди. Машинист Юсуф Зиёев бутун жамоаси «Балластер» машиниси билан шу қурилишнинг ичиди қайнади. Темир йўл қурилишида ишлайдиган «Балластер — 3» русумли машина бор. Фақат юз кўтариш ишларини бажаради. Юсуфжоннинг машиниси бошқача. Йирик, оғирлиги 110 тонна. Уч икки қисмдан иборат. Магнит қисми бор. Шалга қотирилган рельсини кўтариб олади. Кўтариш

ган юкни ростлаб жойига қўйиш механизмининг иши янада мураккаброк, Ростлаш жараёнида ўлчамлар миллиметрнинг юздан бир даражасида бир-биридан фарқ қилмаслиги керак. Дозатор механизми эса шаллар оралиғига тўқилган чағир тошни текислайди. Силкиб-силкиниб мустаҳкамлайди. Машина бир пайтнинг ўзиде уч киши томонидан бошқарилади. Электробалластер ўтган темир йўл тайёр йўл, хавфсиз йўл, равон йўл ҳисобланади. «Биз Юсуф Зиёевнинг изидан юртимизни, бас, тепловозимизни кўз юмиб бошқараверас бўлаверди», дейишди машинистлар. Ориф Сафаров, Қудратилмаганда ишчи каскаси-қалпоғини бошидан олиб осмонга отиб хурсанд бўлганини, «Ана, қурашлар, мамлакатимизда энди йилга юз километрлаб темир йўллар қурилади. Энди биз ишлайдиган замон келди. Йўл таъмирлашдан бўшамай ётудик. Энди зангилаган йўллар курамини, деганини ҳамкасблари худди кенгайди эслайдилар. Билиб гапирган экан Юсуфжон. Кўп ўтмай бепоён дашту далалар узра «Учқудуқ — Султон Увайтоғ» темир йўли қурилиши бошланди. Машинист Юсуф Зиёев бутун жамоаси «Балластер» машиниси билан шу қурилишнинг ичиди қайнади. Темир йўл қурилишида ишлайдиган «Балластер — 3» русумли машина бор. Фақат юз кўтариш ишларини бажаради. Юсуфжоннинг машиниси бошқача. Йирик, оғирлиги 110 тонна. Уч икки қисмдан иборат. Магнит қисми бор. Шалга қотирилган рельсини кўтариб олади. Кўтариш

лардан фойдаланиш зарурлиги ва унинг аҳамияти хусусида фикрлар билдиришди. Чунки бу келгусида фермер хўжаликлари фаолиятини янада ривожлантиришга, улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини яхшилашга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Семинар-тренинг жорий йилнинг 29 октябрга қадар давом этади.

Дилноз УЛУГМУРОВА, «Халқ сўзи» мухбири.

лардан фойдаланиш зарурлиги ва унинг аҳамияти хусусида фикрлар билдиришди. Чунки бу келгусида фермер хўжаликлари фаолиятини янада ривожлантиришга, улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини яхшилашга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Семинар-тренинг жорий йилнинг 29 октябрга қадар давом этади.

Дилноз УЛУГМУРОВА, «Халқ сўзи» мухбири.

Олимжон УСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Мустақиллигимизнинг 19 йиллиги байрами арафасида «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик темир йўл компаниясининг 166-йўл машина станцияси темир йўл қуриш механизми машинисти Юсуф Зиёев мамлакатимизнинг олий мукофоти — Ўзбекистон Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди.

Уша кун бекатда табрик-қутловлар баробари иш ҳам қайнади. Юсуфжон уйига кечроқ қайтди. Уни Бехруз исмли олти яшар невараси кутиб ўтирган экан. У босибни бугун бошқача қарши олади. Ховлида ўсган жайдари гуллардан жамлаб қўйган гулдастасини босибга узатиб, «Унвонингиз муборак бўлсин, бобожон. Мен ҳам, каттарсам, албатта, поезд бошқараман, қаҳрамон бўламан, хўпми», деди.

Бобоси уни боши узра кўтариб ўпди. Айрича бир шодлик билан қўлиб юборди. Назарида, у яшаётган қишлоқ, маҳалла-кўй, эл-юрт қувончларга тўлиб-тошгандай бўлди.

Олимжон УСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ИЛГОР ҒОЯЛАР — ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мазкур алоқалар эса фермерларнинг маҳсулот етиштириш билан бирга, уни қайта ишлаш бора-сидаги имкониятларини кенгайтира-раятти. Айниқса, ҳозирги кунда Тошкент шаҳри, Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд, Фарғона, Хо-

разм вилоятларида фермерларга хизмат кўрсатувчи минтақавий «Ахборот марказлари» фаолияти ҳам йўлга қўйилгани самарали бўлмоқда.

Семинарда мутахассислар иш-тироқларга шулар ҳақида маълумот бериш баробарида, қишлоқ хўжалигида энг илгор технология-

ЭЛ-ЮРТ ОСОЙИШТАЛИГИ ПОСБОНЛАРИ БАЙРАМИ



(Давоми. Боши 1-бетда)

Тадбирда ана шу мукофотлар тантанали равишда топширилди.

— Президентимизнинг ушбу Фармони соҳамизга бўлган юксак эътибори ва ишончининг амалдаги яна бир ифодасидир, — дейди

«Жасорат» медали соҳибни, Андижон вилояти ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқарма-

Норгул АБДУРАИМОВА, ўзА мухбири. Мухаммад АМИН олган сурат.

ДАВОЛАГАНДАН ЭМЛАШ АФЗАЛ

Кеча мамлакатимизнинг барча ҳудудларида полиомиелит хасталиғига қарши тўртинчи босқич оммавий эмлаш тадбирлари бошланди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигида оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани ташкил этилди.

Тадбирда таъкидланганидек, мамлакатимизда эл саломатлиги муҳофазасига қаратилган юксак эътибор самараси ўлароқ, жойларда тиббий хизмат сифати тобора такомиллашиб бормоқда. Ушбу муассасаларда яратилаётган замонавий шарт-шароитлар кўпгаб оғир хасталикларни самарали даволаш имконини бераётти. Айниқса, юртимизда юқумли касалликларнинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли чора-тадбирлар тўғрисида таъкид қилиш зарур. Шундай бўлса-да, ушбу асоратли хасталик вирусини мамлакатимиз ҳудудига қирғини давлатлардан киритиб келиши мумкинлиги инобатга олиниб, жорий йилнинг май-

июнь-июль ойларида уч босқичда оммавий эмлаш кунлари ўтказилди ва унда янги туғилган чақалоқлардан бошлаб 5 ёшгача бўлган 3 миллион нафарга яқин болалар эмланди.

Республикамизда мавжуд барқарор эпидемия вазиятини сақлаб қолиш мақсадида жорий йилнинг 25 — 30 октябрь кунлари 15 ёшгача бўлган 10 миллиондан зиёд болаларни полиомиелит вирусига қарши эмлаш кўзда тутилган. Республикаимизнинг чегара ҳудудиде жойлашган Сурхондарё вилоятида эса эмлаш тадбирларида аҳолининг 25 ёшгача бўлган қатлами жалб этилади.

— Оммавий эмлаш тадбирларини сифатли ташкил этиш учун давлатимиз томонидан қатор халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда зарур шарт-шароитлар ҳозирланди, — дейди Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш

вазирни ўринбосари, Бош Давлат санитария вақари Саидмурод Саидалиев. — Хусусан, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, ЮНИСЕФ ҳамда ЮСАИД халқаро ташкилотлари кўмағида мамлакатимизга Италиянинг «Новартис» компаниясида ишлаб чиқарилган 11 миллион доза вакцина олиб келинди. Ушбу дори воситалари Қора-

қалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ҳамда барча вилоятларга махсус шароитларда тўлиқ етказиб берилди. Шунингдек, жойларда (тиббий муассасалар, бошқа, мактаб ва лицейларда) 10 мингдан ортиқ эмлаш пунктлари ташкил этилиб, 9 мингдан зиёд шифокор ва 32 мингга яқин эмлаш ҳамда патронаж ҳамширалари малакали тиббий тайёргарликдан ўтказилди. Эмлаш ишларини мувофиқлаштириш бориш мақсадида барча ҳудудлардаги тегишли бошқармалар ҳузурида махсус

лаш тадбирларининг барчасида иштирок этган, — дейди пойтахтимизнинг Учтепа туманида яшовчи Захро Асатуллаева. — Патронаж ҳамширамиз тўртинчи босқич эмлаш ҳафталиги бўлиб ўтиши ҳақида хабардор қилганимга боис поликлиникага чиқдик. Шифокорларнинг айтишича, болада шомоллаш, иммунитет пастлиги ва шунга ўхшаш аломатлар бўлмаса, эмланганидан сўнг ҳеч қандай ўзгариш сезилмайди. Томоқ оғриги, грипп ва шунга ўхшаш бирор бир хасталик билан оғриб турган болалар эса, шифокорлар тавсиясига кўра, батамом тузалган эмланганини маъқул.

Ота-оналар учун фарзандининг сийхат-саломатлигини афзали йўқ, Шундай бўлган, келажакимиз фаровонлигини таъминлаш мақсадида ташкил этилаётган мазкур оммавий тадбирда ҳар биримиз фаол иштирок этишимиз, бирор бир боланинг эмлаш тадбирларида четда қолиб кетишига йўл қўймагимиз муҳим аҳамиятга эгадир.

— Улғим Иброҳим олти ёшда, у бундан аввалги уч босқичли эм-

Муборак ОХУНОВА, «Халқ сўзи» мухбири.

Интилиш Фаолият кенгайди, фойда ошди

Пастдарғом туманидаги «Улғбек-Ойбек чорвачилик» масъулияти чекланган жамияти ўз фаолиятини кенгайтириб, сут маҳсулотларини қайта ишлайдиган янги технологик линияни ишга туширди.

Германиядан келтирилган замонавий дастгоҳлар ёрдамида бу ерда бир кунда уч тоннагача сут қайта ишланади, аҳоли дастурхонига 6 хилдан зиёд маҳсулот етказиб берилмоқда. Таъкидлаш кераки, ҳозирда чорвачилик мажмуасида Беларусдан келтирилган 200 бошга яқин зотли сигирлар парварши қилинаёттир.

А. САТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2010 йил 26 октябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловларни учун хоржий валюталарнинг сумма нисбатан қўндади қийматини белгилади.*

1 Австрали доллар	1614,27
1 Англи фунт стерлинги	2560,12
1 Дания кронаси	306,08
1 БАА дирҳами	442,86
1 АКШ доллари	1626,30
1 Швейцария франки	282,44
1 Исландия кронаси	14,58
1 Канада доллари	1592,23
1 Ҳонгконг доллари	244,33
1 Малайзия ринггити	525,46
1 Поляндия злотисини	577,52
1 СДР	2554,30
1 Туркия лираси	1148,92
1 Швейцария франки	1670,91
1 евро	2259,78
10 Жапоний Кореи вони	14,57
1 Япония иенаси	200,63
1 Россия рубли	53,33
1 Украина гривнаси	205,56

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмага.

Бозорнинг ҳафта давомидаги динамикаси	СУЮЛТИРИЛГАН ГАЗ	ЦЕМЕНТ	УН БИРИНЧИ НАВ	ОМИХТА ЕМ
УзРТХБ котировкалари сўм/кг	СУЮЛТ. ГАЗ 1176,7 ▼ -674,1	ЦЕМЕНТ (пц400 кд20) 158,4 ▼ -9,6	УН биринчи нав 523,6 ▼ -2,4	ОМИХТА ЕМ 212,2 ▲ +5,3

ЖАҲОН 24 соат ичида

Зилзила оқибати

Хитойнинг марказий қисмида зилзила содир бўлди.

Бу ҳақда маҳаллий "Синьхуа" ахборот агентлиги хабар тарқатди. Хэнань музофотида юз берган ер силкинишининг кучи Рихтер шкаласи бўйича 4,7 баллни ташкил қилган. Оқибатда Тайкан ва Фугоу уездларидаги турли иморатларга зарар етган. Жумладан, Тайканда мактаб биносининг кулаб тушиши натижасида 12 нафар ўқувчи жароҳатланган.

Тарқалиш суръати юқори

Гаитида тарқалган вабо эпидемияси тобора жиддий тус олмақда.

Шу вақтгача хасталик 250 кишини ҳаётдан олиб кетган. Уч ярим мингдан ортиқ одам ушбу дарда чалинган. Айниқса, мамлакатнинг Артибонит ва Плато Централь минтақаларида ахвол мураккаб. Мазкур ҳудудларда кунига ўнлаб одамлар ҳаётдан кўз юммоқда. Шунингдек, касаллик билан боғлиқ ўлим ҳолатлари пойтахт Порт-о-Пренс шаҳрида ҳам қайд этилган. Эпидемиянинг бошқа жойларга тарқалиб кетишига йўл қўймайлик учун зарур чоралар қўрилмоқда. Хусусан, БМТ ва бошқа ташкилотлар томонидан мамлакатга керакли даволаш воситалари етказиб берилди. Касаллик тарқалиши юқори бўлган ҳудудларга қўшимча шифокорлар груҳи жўнатилган.

Рекорд кўрсаткич

Тез тайёр бўлувчи таомлар етказиб бериш борасида дунёга машҳур "McDonald's Corp" корпорацияси учинчи чоракни мўъайяна даромад билан якунлади.

Жумладан, ушбу даврга келиб у кўрган соф фойда миқдори ўн фоизга ошган ва 1,4 миллиард АҚШ долларини ташкил қилган. Корпорация фаолиятидаги бундай ижобий ўсиш унинг қимматли қозғолар бозоридagi акциялари нархининг ошишига ҳам сабаб бўлди. Яъни "McDonald's Corp"нинг битта акцияси 80 АҚШ долларига баҳоланган. Бу ташкилот фаолиятидаги рекорд кўрсаткичдир.



Бугунги кунда "McDonald's Corp"га қарашли 32 мингта ошхона дунёнинг 117 давлатида мижозларга хизмат кўрсатмоқда.

Портловчи қурилма зарарсизлантирилди

Францияда Иккинчи жаҳон уруши йилларига тегишли бомба топилди.

У мамлакат гарбидаги Рен шаҳрида тиббий марказ қурилиши кетаётган ҳудудда аниқланган. Портловчи қурилмани зарарсизлантириш учун 10 минг одамни хавфсиз жойга кўчиришга тўғри келди.

1943-44 йилларга тегишли бўлган мазкур бомба ўз даврида 3000-4000 метр балангликдан ташланган ва номаълум сабабларга кўра портламай қолган экан.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган "Буюк Ипак йўли бўйлаб сەҳнат" халқаро сайёҳлик кўргазмасида юртимизнинг сайёҳлик салоҳияти, қадимий ва бой ўтмиши, тарихий ёдгорликлари бутун дунё эътиборида эканлиги алоҳида эътироф этилди. Жумладан, 36 мамлакатнинг 500 дан зиёд сайёҳлик компания ва ташкилотлари қатнашган мазкур нуфузли тадбирда Фарғона водийсининг сайёҳлик имкониятларига ҳам юқори баҳо берилди.

САЙЁҲЛИКНИНГ ЁРҚИН ИСТИҚБОЛИ

Дарҳақиқат, Ўзбекистонда истиқлол йилларида туризм соҳасини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар ўзининг юксак самарасини бермоқда. Хусусан, бундан атиги 20 йил муқаддам Фарғона водийсида хорижлик сайёҳларни камдан-кам учратиш мумкин эди. Соҳа ривожини таъминлашга қаратилган ислохотларнинг босқичма-босқич амалга оширилиши, жумладан, сайёҳлик компаниялари фаолияти йўлга қўйилиб, замонавий меҳмонхоналар, дам олиш масканлари сони ортиши, сервис хизмати кўрсатиш сифати яхшиланиши натижасида бу ерга ташриф бурувчи хориж-

лик сайёҳлар оқими йилдан-йилга кўпайиб бораётир. Албатта, мамлакатнинг дунёга танилиши, давлат иқтисодиётининг янада мустақамланишида туризм соҳасининг ўрни бекиёс. Шу нуқтаи назардан истиқлол йилларида Фарғона вилоятининг Кўқон, Марғилон, Риштон сингари тарихий шаҳарларида сайёҳликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундан 3 йил аввал 2000 йиллиги кенг миқёсда нишонланган Марғилон мағрибу машиқда сержило ипаклари, атласу адраслари билан ном қозонган бўлса, Риштон кулолларининг маҳоратига Чин юрти усталари ҳам қойил

қолишган. Риштонлик кулоллари ўз маҳсулотларига ортиқча ранг беришмайди. Чунки барча сопол идишлар табиий қизил рангдаги тупроқдан тайёрланади. Бу эса жаҳон кулолларида юқори баҳоланиши ба-робарида, ўзининг жилоси,

бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларини кўриб, бугун кишининг завқи, ҳайрати ошади. Бундан атиги бир йил муқаддам шаҳарга ташриф бу-юрган инсон айна пайтга келиб унинг замонавий қиёфасини таниёлмаслиги, шубҳа-

буораётган масканнинг инфра-тузилмаси, замонавий меҳмонхоналар, юксак даражадаги транспорт хизмати, малакали гид-таржимонларнинг мавжудлиги қизиқтириши, табиий. Бу борада ҳам вилоятда эътиборга молик ишлар амалга оширилди. Хусусан, бугун "Осиё-Фарғона" тўрт юлдузли меҳмонхонаси шаҳар кўрғи кўрқ бағишлаб турибди. Вилоят олий ўқув юрлари ва касбухона коллежларида эса гид-таржимон мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилган. Ҳозирги кунда шаҳарда яна "Тоғмаҳал", "777" деб номланган халқаро андозадаги меҳмонхоналар фаолият юритмоқда. Улар бир вақтнинг ўзига 5-6 та сайёҳлик гуруҳларини қабул қилиш имкониятига эга.

Ислохот

хур. Муҳтарам Юртбошимиз ўтган йили бу кўҳна ва навқирон шаҳарга ташрифи давомида Хўқанди Латифнинг тарихий қиёфасини, меъморлик ансамблини тўлиқ сақлаб қолган ҳолда, уни замонавий, дунё сайёҳлари эътиборини тортадиган шаҳарга айлантириш ҳақида йўл-йўриқ ва тавсиялар берган эди. Ана шу асосда бу ерда қисқа муддатда амалга оширилган улкан

сиз. Айниқса, сайёҳларни ўзига оҳанрабодай тортадиган ўрдага туташ хиёбонлар сулим оромгоҳларга айланди. Ўрда ичи эса асл қиёфаси тўлиқ сақланиб қолган ҳолда қайта таъмирланди. Маълумки, сайёҳларни, биринчи навбатда, улар ташриф

Туризмнинг ривожланиши мазкур даромадли индустриянинг бошқа тизимлари раванқига ҳам кенг йўл очмоқда. Вилоятда уларга махсус лицензияга эга, замонавий автотранспорт воситалари билан таъминланган автопарк хизмат кўрсатапти. Сайёҳларни водийнинг ўзига хос миллий таомлари билан сийлайдиган ошхоналар тизими ҳам барпо этилди. Энг муҳими, бугун сўлим ва кўркам водийга ташриф бурурган сайёҳлар юртимизнинг қадимий бой тарихи, асрлар оша барҳаёт сақланиб келинаётган миллий мероси, анъанаю қадриятлари эъзоз ва қадр топаётганлигига гувоҳ бўлишмоқда.

Набижон СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Qishloq Qurilish Bank «Қишлоқ қурилиш банк»

очиқ акциядорлик тижорат банки

ўз эҳтиёжи учун компьютер техникаларини етказиб бериш бўйича тендер савдолари эълон қилади.

- Тендер предмети. Тендер № 10/01 «Компьютер техникаларини етказиб бериш» (компьютерлар, кўп функцияли қурилмалар, узлуксиз манба етказиб берувчи қурилмалар).
- Тендер савдоларида харид қилинадиган маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи ва/ёки етказиб берувчи, юқорида кўрсатилган ҳажмларда компьютер техникаларини етказиб бериш бўйича тажрибага эга бўлган хорижий ёки маҳаллий фирма ва ташкилотлар иштирок этиши мумкин.
- Идоралараро тендер комиссияси ишчи органи номи ва манзили: **ОАТБ «Қишлоқ қурилиш банк»нинг Информацион технологиялар департаменти, Ўзбекистон Республикаси, 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 36-уй. Телефон/факс: (+99871) 236-16-03. E-mail: it@qqb.uz**
- Етказиб бериш шартлари (Инкотермс-2000 бўйича): маҳаллий етказиб берувчилар учун — хариддорнинг Тошкент шаҳридаги омбори; хорижий етказиб берувчилар учун — DDU Тошкент шаҳри.
- Етказиб бериш муддати тендер ҳужжатларида кўрсатилган.
- Тендер комиссияси тендер савдолари бошланишига қадар талабгорларни малакавий танловдан ўтказиши.
- Тендер ҳужжатларининг баҳоси — 100 АҚШ доллари. Маҳаллий талабгорлар тендер ҳужжатларини олишлари учун тўлов Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида белгиланади (Тўлов амалга оширилаётган кундаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгиланган курс бўйича).
- Тендерда иштирок этиш учун закат суммаси (банк кафолати) тендер ҳужжатларида кўрсатилган.
- Заказат суммасини тўлаш (банк кафолати), банк реквизитлари ва тендер ҳужжатларини олиш учун тўлов шартлари тендер ҳужжатларида кўрсатилган.
- Тендер таклифларини қабул қилишнинг сўнгги муддати — 2010 йил 29 ноябрь соат 15.00 гача.
- Тендер комиссияси тендер таклифларини топшириши муддатини узайтириш бўйича қарор қабул қилиши мумкин, у ҳолда мазкур қарор барча тендер иштирокчиларига тааллуқли бўлади.

Испаниялик журналистлар – Хоразмда

Ўрта Осиё бўйлаб ижодий сафарга чиққан бир гуруҳ испаниялик журналистлар Хоразм воҳасига ташриф буориб, бу ердаги тарихий обидалар ҳамда истиқлол йилларида амалга оширилган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишдилар.

— Мақсадимиз Ўзбекистоннинг сайёҳлик имкониятларини кенг тарғиб этишдан иборат, — дейди Мадрид телерадиокомпанияси мухбири Давид Гиерреро. — Сафаримиз давомида юртимизнинг бетақор табиати, қадимий обидала-ри, миллий урф-одатлари ҳақида туркум кўрсатувчи таъминланган автопарк хизмат кўрсатапти. Сайёҳларни водийнинг ўзига хос миллий таомлари билан сийлайдиган ошхоналар тизими ҳам барпо этилди. Энг муҳими, бугун сўлим ва кўркам водийга ташриф бурурган сайёҳлар юртимизнинг қадимий бой тарихи, асрлар оша барҳаёт сақланиб келинаётган миллий мероси, анъанаю қадриятлари эъзоз ва қадр топаётганлигига гувоҳ бўлишмоқда.

О. РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Российский линолеум

тел. 234-48-11 факс 234-49-58

ЖАНУБИЙ КОРЕЯДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ҚУРИЛИШ ТЕХНИКАСИ ВА УСКУНАЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ВАКОЛАТЛИ ТАЪМИНОТЧИСИ

Жанубий Кореянинг «Road International Co., Ltd» компанияси куйидаги қурилиш техникалари ва ускуналарини таклиф қилади:

HYUNDAI компаниясида ишлаб чиқарилган:

- экскаваторлар ва улар учун мосламалар;
- катта ҳажмли ва санчки мосламали юкловчилар;
- самосваллар, ёқилги ташувчи ва автокранлар;
- трейлерлар ҳамда совутқичли авторефрижераторлар;
- бетономиксерлар ва автобетононасослар

ҲАМДА муқим ва кўчма шаклдаги:

- асфальт тайёрлаш заводи;
- бетон тайёрлаш заводи;
- тош майдалаш ва қум ишлаб чиқариш заводи (100 - 600 т/соат).

БУЮРТМА БЎЙИЧА ИШЛАЙМИЗ. Мижозларимиз учун молиявий масалаларда қулай шартларни таклиф қиламиз.

Ваколатхона манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 14-уй, «Germile» биноси. Мўлжал — Тошкент фармацевтика институти.

Тел./факс: (+99871) 140-10-91, 140-10-92. Жавобгар шахс — Дилмурод Убайдуллаев. Электрон почта: rico2008@mail.ru Веб-манзил: www.rico21.com

«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚҚ

ўзида ишлаб чиқарилган қуйидаги маҳсулотларни хариддорларга тақдим этади (нархлар ҚҚС билан кўшиб ҳисобланган)

СУВ ВА ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 100 000 сўмдан бошлаб.

ГАЗ ВА НЕФТЬ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 20295-85, диаметри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 170 000 сўмдан бошлаб.

Квадрат кесимдаги ПУЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20x20, 25x25, 30x30, 40x40, 50x50, 60x60, 80x80, 100x100.

Тўғри бурчак кесимдаги ПУЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30x20, 40x25, 50x25, 30x60, 40x60, 40x80, 50x100, 60x80, 60x100, 80x120.

Девор қалинлиги 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 300 000 сўмдан бошлаб.

ПРОФНАСТИЛ — Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75 қалинлиги 0,4-0,7 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. гача;

Бундан ташқари:

ИИГМА ПАРКЕТ (лиственница) — Россияда ишлаб чиқарилган, баҳоси 1 кв.м. учун 8000 сўм.


КАРЕИД — Козогистонда ишлаб чиқарилган, баҳоси 1 тн. учун 1 990 000 сўм.

МАХСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.

<p>сўм/кг</p> <p>САНОАТ МОЙИ И-20А</p> <p>САНОАТ МОЙИ И-20А 1729,5 ▼ -47,9</p>	<p>сўм/кг</p> <p>МОТОР МОЙИ М14 В2</p> <p>МОТОР МОЙИ М14 В2 3254,9 ▲ +475,0</p>	<p>сўм/кг</p> <p>БЕНЗИН АИ 80</p> <p>БЕНЗИН АИ-80 1490,4 ▼ -24,8</p>	<p>сўм/кг</p> <p>ДИЗЕЛЬ ЁНИЛҒИСИ</p> <p>ДИЗЕЛЬ ЁНИЛҒИСИ 1206,6 ▲ +4,5</p>
--	---	--	---

Спорт • Sport • Спорт • Спорт



М. АМИН (ЎЗА) олган сурат.

ҲАМЮРТЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Жаҳон кубогига уч босқичли кучайтирилган режа асосида тайёргарлик кўргандик, — дейди терма жамоа бош мураббийи Хўжамкул Хўжакулов. — Энг кучли қаратэ мактаби вакиллари ортида қолдирган шогирдларимдан миннатдорман. Айниқса, ката ва кумитэ бахсларида иккита олтин медаль соҳиби бўлган Динмуҳаммад Эргашев, жиу-кумитэ бўйича икки бор шохсупанинг юқори поғонасидан жой олган Фахриддин Батожев, кумитэ ва жиу-кумитэдан икки бор биринчи ўринни эгаллаган Сардор Ширинбоев галабамизга катта ҳисса қўшди.

Спортчиларимиздан Дониёр Усмонов, Зулхумор Бобоева ва Зумрад Тазетдинова ката беллашуларида, Абдуқарим Зайнобиддинов, Севара Абдулҳақимова, Нодира Жуманиёзова кумитэ бахсларида, Феруз Холиёров ва Иброҳим Ойназаров жиу-кумитэ бўйича олтин медаль соҳиби бўлдилар.

— Президентимизнинг биз, ёшларга кўрсатаётган бекиёс ғамхўрликларини доимо хис этиб тураемиз, — дейди Динмуҳаммад Эргашев. — Менинг спортда кўлга киритаётган ютуқларим ана шу ғамхўрлик самарасидир. Қолаверса, машғулотларда яқиндан ёрдам берган мураббийларимдан ниҳоятда миннатдорман.

Хотин-қизлар ўртасидаги бахсларда олтин медаль соҳиби бўлган Зумрад Тазетдинова мамлакатимизнинг энг иқтидорли қаратэчиларидан ҳисобланади. У шу кунгача ёшлар ўртасида ҳам, катталар ўртасида ҳам жаҳон чемпиони бўлган. Спортда ва ўқишда кўлга киритган ютуқлари эвазига Президентимиз томонидан Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланган. — Шарқ яққаурашларидан ҳисобланган қаратэ инсон иродасини мустаҳкам-

лайди, қатъият ва масъулиятни хис этиш, ҳаққонийлик ҳамда тезкорлик каби хислатларини тарбиялайди, — дейди олтин медаль соҳиби Зумрад Тазетдинова. — Албатта, жаҳон кубоги ва бошқа нуфузли мусобақада ғолиб бўлишни ҳар бир спортчи орзу қилади. Бунга эришиш учун тинимсиз меҳнат ва етарлича шароит бўлиши лозим. Мамлакатимизда спорт билан шуғулланиш учун барча имкониятлар мавжуд. Эндиги асосий мақсадим — навбатдаги жаҳон чемпионатида зафар кучиб, юртимиз доврғини дунёга таратиш.

З. ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

МАДАНИЯТ

xabarlari

Ижодкор болалар беллашуви

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда «Камолот» ЁИХ ҳамкорлигида ўтказиб келинаётган «Янги авлод» болалар ижодиёти фестивалига кизиқиш тобора ортиб бормоқда.

Хусусан, мазкур аънавий тадбирнинг Бухоро вилояти босқичи ҳам қизгин руҳда ўтди. Айтиш жоизки, ўтган йили ушбу ижодий беллашувнинг вилоят босқичида 554 нафар ўғил-қиз қатнашган бўлса, жорий йилда уларнинг сони 1800 нафардан ошиб кетди. Қатнашчилар миллий чолғу асбоблари, рақс, тасвирий ва амалий санъат, наср ҳамда назм каби олтита йўналишда ўз иқтидорларини намойиш этишди. Саралаш босқичида ғолиб чиққан 36 нафар иштирокчи фестивалнинг республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини кўлга киритди.

И. ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Энг фаол тарғиботчи

Самарқанд шаҳридаги «Ёшлар маркази»да «Йилнинг энг фаол тарғиботчиси» республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Республика Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими томонидан ташкил этилган тадбирда танловнинг туман ва шаҳар босқичлари ғолиблари ўзаро беллашдилар.

Яқинда вилоят маънавият ва маърифат кенгаши ҳузурдаги «Мулоқот» гуруҳи аъзоси Эътибор Жалолова биринчи ўринга лойиқ, деб топилди. Ғолиб танловнинг республика босқичида вилоят шарафини ҳимоя қилади.

А. САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



XALQ BANKI

STANDARD & POOR'S

«STANDARD & POOR'S»

Халқаро рейтинг агентлиги



Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат
Халқ банкининг 2009 йил ва 2010 йилнинг 1-ярим
йилидаги фаолияти бўйича қисқа ва узок
муддатли кредит рейтинги даражасини
«**БАРҚАРОР**»
деб тасдиқлади.

XALQ BANKI — XALQ IShONGAN BANK!

ОБ-ҲАВО (26 октябрь)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзғариб туради, ёгингарчилик бўлмайди. Кечаси 4-9 даража илқ, кундузи 15-20 даража иссиқ бўлади.

Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари. Ёгингарчилик қутилмайди. Ҳарорат тунда 5-10 даража илқ, кундузи 18-23 даража иссиқ бўлади.

Тошкент, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари. Ҳаво ўзғариб туради, ёгингарчилик қутилмайди. Ҳарорат тунда 5-10 даража илқ, кундузи 18-23 даража иссиқ бўлади.

Кашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари. Ёгингарчилик бўлмайди. Кечаси 7-12 даража илқ, кундузи 20-25 даража иссиқ бўлади.

Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари. Ҳаво ўзғариб туради, ёгингарчилик қутилмайди. Тунда 4-9 даража илқ, кундузи 18-23 даража иссиқ бўлади.

Тошкент шаҳри. Ёгингарчилик қутилмайди. Ҳарорат тунда 5-7 даража илқ, кундузи 21-23 даража иссиқ бўлади.

«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

ХАРИДОРЛАР ВА ТАЪМИНОТЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!




ШҲРТАН


ГАЗ-КИМЁ МАЖМУАСИ

ўзида ишлаб чиқарилган куйидаги маҳсулотларни таклиф этади:

- **экологик хавфсиз, диаметри 25 мм.дан 630 мм.гача бўлган полиэтилен қувурлар ва уларни боғловчи деталлар;**
- **турли рангдаги, қурилишда безак ишлари учун фойдаланиладиган алюмин композит панеллари;**
- **деҳқончилик билан шуғулланувчи фермерлар учун томчилатиб сўғориш тизимининг бутловчи қисмлари.**

Тўлов шакли — турлича.

Манзилимиз: 181300, Кашқадарё вилояти, Фўзор тумани, Шўртан кўрғони.
Мурожаат учун телефонлар: (8-375) 221-02-27, 221-09-04, (+998 98) 777-01-40.
Факс: (8-375) 780-85-51, 221-08-46.
E-mail: marketing9@sgcc.uz, sgcc@sgcc.uz



АВТОМОБИЛИ «ГАЗЕЛЬ БИЗНЕС»

ОТ ОФИЦИАЛЬНОГО ДИЛЕРА «SARDOR AVTO INVEST»

	<p>GAZ-32213 «Газель Бизнес» Микроавтобус до 15 мест, люкс, ЕВРО-3. Привод: 4x2, 4x4. Новинка!</p>
	<p>GAZ-2705 «Газель Бизнес» Фургон цельнометаллический, 3-, 7-местный, люкс, ЕВРО-3. Привод: 4x2, 4x4. Новинка!</p>
	<p>GAZ-3302 «Газель Бизнес» бортовая с тентом, 3-, 6-местная, люкс, ЕВРО-3. Привод: 4x2, 4x4. Новинка!</p>
	<p>GAZ-330200 «Газель Бизнес» Фургон промтоварный, продовольственный изотермический, 3-местный, люкс, ЕВРО-3. Новинка!</p>

АВТОСАЛОН «ГАЗ»

г.Ташкент, Сергелийский р-н., ул. Новосергелийская, 1.
Тел./факс.: (371) 215-09-11, 215-01-81.
веб-сайт: WWW.SARDOR-AVTO.UZ



Биржа нархлари ҳақида кўпроқ билишни истасангиз,
UZEX сўзини
8383 га юборинг.

БАРЧА ТОВАРЛАР ГУРУҲЛАРИ БҲЙИЧА КОТИРОВКАЛАР

WWW.UZEX.COM

САЙТИДА

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 903. 39240 нусхала босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Таҳририятта келган кўлемлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

[1]-Тижорат материал

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000, ГСП,
Тонкент шаҳри,
Матбуотчилик кўчаси, 32-уй.
Набатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Набатчи муҳаррир — А. Қутбиддинов.
Набатчи — Ф. Абдюлов.
Мусаҳҳих — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Булок Турон» кўчаси, 41. ЎЗА яқини — 23.50 Топширилди — 00.30

1 2 3 5